

# ҲУҚУҚИЙ МАЖМУАЛАР ТИЗИМИ



*Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Чунинчи, ўтган давр мобайнида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш мақсадида амалга оширилётган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ шакллантирилди.*

## Қўлланма

Айни пайтда жамиятда юз бераётган ўзгаришлар эҳтиёждан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик мунтазам тақомиллаштирилиб борилаётир. Буларнинг барчаси пировардида жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг қарор топишига, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қил-

моқда. Икки палатали парламент тизимининг жорий этилиши эса мамлакатимизда қонун ижодкорлигининг профессионал институтлари шаклланишига туртки берди. Ва ҳақли равишда "миллий ҳуқуқий тизим", "Ўзбек қонун-

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

чилиги", "миллий қонунчилик" каби тушунчаларга асос солинди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асос босқичма-босқич шакллантирилмоқда. Статистик таҳлилларга кўра, республикамизда мустақиллик йилларида жами 661 та қонун қабул қилинган бўлиб, шулардан бугунги кунда 546 таси амалда қўлланилаётир. Қонун ҳужжатларининг 15 таси Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, 202 таси Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар ва 115 таси кучини йўқотган қонунлардир.

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ислох этиш шароитида қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва ягона тўплам ҳолига келтириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ижтимоий муносабатлар шиддат билан ривожланаётган бир даврда икки палатали парламент томонидан қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар туфайли қонун ҳужжатларини ягона тизимга келтириш зарурати туғилганди. Шу жиҳатдан, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ва тизимлаштириш, қолаверса, уларнинг мукамал рўйхатини тузиш қонунчилик жараёни ва ҳуқуқни қўллаш нуқтани назардан амалий аҳамиятга эга.

Умуман, миллий қонунчилик тизимини яратишда асосий вазифа мустаҳкам ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш, уларни амалда татбиқ этишни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш сингари йўналишларни рўйбга чиқариш саналади. Конституциямизнинг 15-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизими тўплам шаклида тайёрланиб, чоп этилгани айни мuddаодир. Зотан, мазкур тўпламга 1989-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси

публикаси қўшилган (ратификация қилган) халқаро кўп т.м. монлама ва икки томонлаш шартномалар тизимли тарз қиритилган.

Ушбу тўпламнинг тайёрлиниши «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддаси ижросини таъминлашга ҳам хизм қилади, десак, муболағ бўлмайди. Негаки, ушбу модда талабига кўра, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш в.рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш в.назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир. Шу сабабли, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишда на фақат уни йиғиш ва рўйхатга олиш, балки уларни назорат ҳолатида сақлаб туриш амалиётда қўллашнинг муҳим гаровидир.

Тўплам Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларини тизимли равишда ўрганиш натижасида тайёрланди. У олти қисмдан иборат. Дейлик, биринчи қисмда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Олий Мажлиси томонидан 1989-2009 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари рўйхати киритилган. Иккинчи қисмда эса, бугунги кунда амалда бўлган, 1989 йилдан 2009 йилга қадар қабул қилинган қонунларнинг рўйхати нашр манбаларини, ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кўрсатган ҳолда келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификациялаш, уларга қўшилиш ва уларни денонсация қилиш тўғрисидаги қонунлари рўйхати эса учинчи қисмда келтириб ўтилган. Тўпламнинг олтинчи қисмида Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама шартномалари ва бошқа қўшма ҳужжатлари рўйхати берилган.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида тайёрланган мазкур тўплам, айтиш жоизки, қонунчилик жараёни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини муҳим аҳамиятга эга. У мамлакатимиз парламенти аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, илмий тадқиқот ишларини олиб боровчилар, аспирантлар, магистрлар ҳамда кенг жамоатчилик учун фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**И. НАСРИЕВ,**  
юрндик фанлари  
доктори.